

.....

ФИТРАТ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ТИЛШУНОСЛИКДА ЎРГАНИЛИШИ

Ирада Эрметова,

Жумабек Ташенев номидаги университет магистранти (Қозоғистон)

Аннотация. Мазкур тезисда Абдурауф Фитрат ҳаёти, ижтимоий-маърифий фаолияти ва серқирра ижодий меросининг ўзбек миллий адабиёти тараққиётидаги ўрни таҳлил қилинади. Адибнинг шеърият, наср, драматургия ҳамда илмий асарларида миллий уйғониш, маърифатпарварлик, озодлик ва ватанпарварлик ғояларининг бадиий ифодаси ёритилади. Шунингдек, Фитрат ижодининг асосий босқичлари, унинг жадинчилик ҳаракатидаги ўрни ҳамда мустақиллик йилларида ижодий меросининг қайта баҳоланиши хусусида фикр юритилади. Тадқиқот натижалари Фитрат ижодининг миллий маънавият, адабиёт ва ижтимоий тафаккур ривожига аҳамиятини очиқ беради.

Калит сўзлар: Абдурауф Фитрат, жадинчилик, маърифатпарварлик, миллий уйғониш, ўзбек адабиёти, драматургия, шеърият, наср, миллий истиқлол, маънавий мерос, қатағон адабиёти, жадин адабиёти.

XX аср инсоният тарихида ўзининг инқилобий жараёнлари, техниканий тараққиёти, кимёвий янгиликлари, жаҳон урушлари-ю маънавий-руҳий таназзуллари билан ҳам алоҳида юз йилликдир. Ижтимоий сиёсий, иқтисодий, маданий, ахлоқий қийинчилик, маънавий-руҳий ўпирилишлар қанчалик кўп бўлмасин, барибир қоню руҳида улуг хислат, фазилат, истеъдод бўлган эл дунёга ўз буюкларини ҳадя этишдан тўхтамайди. Шу маънода XIX аср охири XX аср бошида яшаб ижод этган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпой, Абдурауф Фитратлар елкасидаги Ватан, миллат юки, ғамю дарди, истиқболнинг изтироби қанчалар залворли бўлганини ҳис этамиз. Шунинг учун ҳам миллатпарвар Фитрат ўзининг днстлабки ижодини маърифатиарварлик, ислохотчилик ғоялари билан бошлади.

Фитрат серқирра истеъдод соҳиби бўлгани боис, униинг қўл урмаган

фан соҳаси кам. У - шоир, ёзувчи, драматург, музикашунос, файласуф, публицист, муаррих, географ, таржимон, математик, тупроқшунос, ислохотчи-педагог, илми нужум ва манозиру мараё (оптик), муқобала ва шарри аскол (механика), табобат, тавспр илмининг зариф олими, беназир шарқшунос, адабиётшуносу тилшунос. Фитрат ҳаёти ва ижодига қизиқиш тириклик чоғидаёқ бошланган эди. Аср боши, айниқса, 1920-30 йилларда яратилиш турли тарих тазкира, баёз, мақола, рисола ва тадқиқотларда адибнинг номи, ижодидаи намуналар, ё ёзганларига муносабат у ёки бу сабаб билан учраб туради.

Инсоният тарихида шундай даҳо санъаткорлар бўлганки, улар ўз ҳаёти, ижоди, фикру заковатини халқнинг бугунги турмушини яхшилашга, эртанги кунини чароғон қилишга бағишлаганлар. Дарҳақиқат, бир қанча миллатпарвар адиблар қатағон туфайлимаънавиятимиз тарихидан юлиб ташланганига қарамай, улар меросини ўрганиш, асарларида кўтарилган маънавий-ахлоқий масалаларни тадқиқ этиш бугунги истиқлол шароитида ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Зеро, бу улуғ адиблар ижодининг моҳияти жамият ва миллатни юксалтиришга хизмат қилган. Исьҳоқхон Иброт, Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби фидойи адиблар қаторида, эҳтимол, уларнинг олдинги сафида Абдурауф

Фитрат ҳам ўз элининг ақли ва қалб кўзига айланган. Абдурауф Фитрат (1886–1938) ўзбек адабиёти ва маданиятининг энг ёрқин вакилларида биридир. Унинг ижоди халқнинг миллий онгини шакллантириш, маърифат орқали тараққиётга етаклаш ғояларига асосланган. Фитратнинг серқирра ижоди шеърят, драматургия, наср ва илмий тадқиқотларни қамраб олади. Шўро даврида қатағон қилинган бу буюк сиймо ижодининг мустақиллик йилларида қайта ўрганилиши миллий адабиётимизни бойитишда муҳим аҳамият касб этди.

Фитратнинг адабий мероси унинг шеъряти, насрий асарлари ва драматургиясини ўз ичига олади. Фитрат шеърятида миллий уйғониш ва маърифатчилик ғоялари акс этган. Фитрат ижодини шартли равишда уч

даврга бўлиш мумкин: 1-давр 1909-1916- йилларни ўз ичига олиб, Туркия таассуротларидан илҳомланган ҳолда жаҳид маърифатпарвари сифатида ижод қилган. 2-давр 1917-1923 йилларни қамраб олади, бу даврда Фитрат миллий истиқлол ғоялари билан тўйинган асарлар ёзади. Ижодининг 3-даври 1923-1937 йилларга оид бўлиб, Шўро махфий хизматининг доимий назоратида бўлган Фитрат асосан илмий ва педагогик ишлар билан шуғулланади [1].

Фитрат ижодини батафсил таҳлил қилиш жараёнида унинг ёзган асарлари ва илмий ишлари халқнинг маънавий уйғонишига қаратилгани аниқланади. У миллатнинг маънавий камолотини ўзининг ижодий ишлари орқали илгари сурган. Фитратнинг асарлари замонамиз учун ҳам долзарблигини йўқотмаган бўлиб, улар маърифий ва илмий аҳамият касб этади. Фитрат ижодини ўрганишда турли хил қарашлар мавжуд. Серқирра истеъдод соҳиби бўлгани боис адибни шоир, ёзувчи, адабиётшунос, тилшунос, мусиқа, табобат, математика деярли барча соҳада қалам тебратганига гувоҳ бўламиз. Шу боис ижодини ўрганишда хилма-хилликлар мавжуд. Фитрат ижодининг Ўзбекистонда ўрганилишида А.Аliyev, В.Qosimov, Н.Voltaboyev, И.Ғаниев ва бошқалар тадқиқотлар мавжуд.

Фитрат ижодини ўрганишни академик Илҳом Ғаниев 4 гуруҳга ажратиб кўрсатган.

1. Фитратнинг ўзи тириклигида ҳаёти ва ижодини ўрганиш.

2. 1938 -йил 4 октябрдан - сталинча қатағон сиёсатининг оқибатида ноҳақ қатл этилишидан бошлаб тоқим 1956 йил (собик КПССнинг XX съезидан сўнг шахсга сиғинишнинг расман тугатилиши) гача бўлган давр.

3. 1956 йилдан 1985 йил (собик Иттифокнинг апрель пленуми ва ошкоралик, демократиянинг тантанаси) гача бўлган давр.

4. 1985 йилдан ҳозиргача бўлган давр [2].

Фитрат ҳаёти ва ижодини ёритган манбаларни мақсад, характериға қараб эса шартли 3 қисмға ажратиш мумкин:

а) адиб асарларининг нашри, саҳналаштирилиши муносабати билан ёзилган таҳлилий таништирув, ташвиқ ва тақриз руҳидаға ишлар;

б) адабиёт ва санъатнинг умумий муаммолари хусусида ёзилиб, Фитрат асарлари мисолга олинган ишлар;

в) Фитрат асарлари бевосита тадқиқот объекти қилиб олинган ишлар [2]. Фитратнинг жаидчилик-ислохотчилик ғояларининг қомуси бўлмиш «Ҳинд сайёҳининг қиссаси» (1911) ҳам юрт қайғусида кучли дард билан ёзилган.

Фитрат ҳаёти ва ижодига муносабат ҳам Туркистон матбуотида худди ана шу асарларининг кучли таъсири пайдо бўла бошлади. Фитратнинг “Мунозара”си ҳақида рус олими Н.Б.Андреев ўзининг «Бухородаги янги оқимлар» мақоласини ёзди ва Бухорода вужудга келаётган маърифатчилик-жаидчилик ғояларини янги йўл-оқим сўзларида баҳолади. А.Гимойлович «Турк халқлари адабиёти» (1919) деб номланган тадқиқотида асосан, Туркистоннинг 1914 йилда бошланган Биринчи жаҳон уруши давридаги ижтимоийсиёсий, иқтисодий аҳволи, адабий ва маданий ҳаёти, «чиғатой* адабистининг келиб чиқиши ва маҳаллий театрулар хусусида сўзлаб Фитратнинг номини ҳам қайд этади. Рус олими 1922 йилда ёзган «Ёш бухороликлар»нинг биринчи яширин таншилоти» мақоласида «Бухорода маърифат тарқатиш» жамияти ҳақида сўзлаб, Абдурауф Фитрат фаолиятига ҳам баҳо беради. А.Самойлович айниқса, «Бухоройи шарж», «Турон» газеталарининг маърифатчилик тарғиботига чуқур тўхталади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзаева З. И. Абдурауф Фитрат фаолиятининг ўрганилиши: ўзига хос ёндашув ва қарашлар / Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари ёш олимлар тадқиқотларида: асосий йўналишлар ва ёндашувлар.
2. Ғаниев И. Фитрат ва фитратшунослик. – Тошкент: Фан, 2005.
3. Omonova, M. (2023). Ta'lim jarayonida tanqidiy fikrlash masalalari. Mugallim, 1(3), 80-82.
4. Khakimov, J. O., Daminov, O. O., & Omonova, M. D. Self-development of subjects of pedagogical interaction as an essential characteristic of pedagogical innovations. The American Journal of Social Science and Education Innovations, The

USA Journals, 3(02-2021), 410-413.

5. Рахмонов, А. К. (2026). ЛЕКСИКОЛОГИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ И МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ В НАУЧНОМ НАСЛЕДИИ АЛМУТАРРИЗИЯ. «Qazaqtaný», (29), 162-171.

6. Isamiddinovna, B. S. Fragmentary Composition In 21st-Century Uzbek Prose: New Forms Of Nontraditional Novella Structure.

7. Isamiddinovna, B. S. (2025). The Transformation Of The Chronotope In Literature Of The Digital Age: The Dialectic Of Virtual Space And Real Time. Library of Current Research Journal of Philological Sciences, 6(10), 40-44.

8. IBRAGIMOVA, D. ISAJON SULTONNING “ROBIYA BALXIY” QISSASIDA TARIXGA YONDASHUV TAMOIYILLARI. FILOLOGIYA VA PEDAGOGIKA, 78.

9. Ibragimova, D. I. TERMINOLOGY OF HISTORICAL PROSE AND THE GENRE ISSUE IN UZBEK LITERARY STUDIES.

10. Ibragimova, D. I. (2025). FACT AND INTERPRETATION IN THE REPRESENTATION OF HISTORICAL FIGURES. Экономика и социум, (5-1 (132)), 293-296.

11. Isoxonovich, M. X. (2022). Middle Ages Movarounnahr Rulers in the Views OF Researchers. *European Journal of Innovation in Nonformal Education*, 2(6), 134-136.

12. Xujayev, M. I. (2018). THE COVERAGE OF THE PROBLEM OF NATIONALARITY AND ITS ROLE ON THE PRESENT DAY IN AHMAD ZAKI VALADI'S WORK. *Мировая наука*, (6 (15)), 61-63.

13. Хужаев, М. И. (2018). АҲМАД ЗАКИ ВАЛИДИЙНИНГ ДИНИЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИНГ ИЛДИЗЛАРИ. In *Инновационные подходы в современной науке* (pp. 177-182).

14. Khujaev, M. (2024). AHMED ZAKI: ON THE IDEAS OF THE PHILOSOPHY OF HISTORY. *Экономика и социум*, (1 (116)), 235-239.